

Қурбон ҳайити куни шаҳар автобус қатнови соат 4:30 дан ўз фаолиятини бошлайди



11:30 / 08.08.2019 2105

Юртимизда Қурбон Ҳайити 11 август якшанба куни нишонланади. «Тошшаҳартрансхизмат» компанияси маълум қилишича, «Ийд Қурбон ҳайити» байрамини кўтаринки руҳда ўтказиш, халқимизга муносиб шарт-шароит яратиш мақсадида мутасадди ташкилотлар томонидан қатор чоратадбирлар белгиланган.

Қайд этилишича, компания томонидан Ҳайит кунлари пойтахт аҳлига қўшимча қулайлик яратиш мақсадида автобуслар қатнови 4:30 дан йўналишларга чиқарилади.

Жоме масжидлари атрофида «Тошшаҳартрансхизмат» мутасадди ходимларининг 5:00 дан 8:00 гача навбатчилиги ташкил этилади.

Шунингдек, масжидлар олдидан ўтувчи йўлларда ҳаракат вақтинча чекланган тақдирда автобусларни мазкур ҳудудга яқин, йўловчилар учун қулай бўлган йўллардан ўтказиш чоралари кўрилади.

Эслатиб ўтамиз, Ҳайит намози соат 5:45 да ўқилади.

Islom.uz портали таҳририяти